

Дониёр МИРЗО

БАХТ БЕШИГИ



ДОНИЁР МИРЗО

***БАХТ
БЕШИГИ***

Шеърлар



*Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007*

Ушбу тўпламга шоирининг аллақачон қўшиқ бўлиб эл оғзига тушган, давраларда ёддан ўқилаётган шеърлари билан бир қаторда табиий ва самимий руҳ уфуриб турган янги шеърлари ҳам жамланган.

«Оққушғинам» номли илк шеърининг тўплами орқали кўпгина мухлисларининг эътиборини қозона олган Дониёр Мирзо янги «Бахт бешиги» билан уларни янада хушнуд этади, деб ўйлаймиз.

Муаллиф ушбу китобнинг ишр этилишида маънавий ҳамда моддий кўмагини аямагани учун «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбариятига самимий миинатдорчилик билдиради.

ISBN 978-9943-08-045-4

© Д.Мирзо, «Бахт бешиги», «Янги аср авлоди», 2007

*Бу китобни кўплаб алломалар, фозилу фузалолар, олим
ишодкорлар бешиги — қадим Қашқадарёнинг юраги,
фахри Қариш шаҳрининг 2700 йиллигига бағишладим.*

Муаллиф

ЖАННАТ ЭЛНИ

Одам бахтли бўлар ўғил-қизи билан,
Дастурхони тўла иоюу тузи билан,
Ҳамма кўрсии гўзал юртим кўзи билан,
Жаннат элим, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртии қўллайверар.

Фарзандларин ҳеч кимсадан ками йўқдир,
Юртсиз эмас, юрагида ғами йўқдир,
Болаларии эртасидан кўнгли тўқдир,
Жаннат элим, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртии қўллайверар.

Бу Ватанда чирой очган гуллар азиз,
Юртбошимиз қурган кўприк, йўллар азиз,
Жаҳон ичра ўзбек деган эллар азиз,
Жаннат элим, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртии қўллайверар.

Чегарасии кўриқлагай посбоилари,
Кўнглидай пок, мусаффордир осмоилари,
Фидо бўлса ачинмайди гар жоилари,
Жаннат диёр, жаннат бўлиб гуллайверар,
Худо ўзи бундай юртии қўллайверар.

ЎЛАН

Артай ёшииг, кўйлагимнинг енги билан,
Ҳар ким бахтли, бўлар экан тенги билан,
Айтилганда тўйинг куни ёр-ёр, ўлан,
Кечир жоим ортга сеисиз қайтолмадим,
Тўйинг куни битта ёр-ёр айтолмадим.

Суянгандим суянчиғдай диёнатга,
Дил дош бермас, кўз кўргаи бу хиёнатга,
Кўнгил тўлиб кетди мана минг фарёдга,
Армоим шул, ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг куни битта ёр-ёр айтолмадим.

Севар ёрииг айвоиларии қаср этмиш,
Бойлик кўнгил кўзларии басир этмиш,
Молу дунё ишқи сеии асир этмиш,
Кечир жоим ортга сеисиз қайтолмадим,
Тўйингда мен битта ёр-ёр айтолмадим.

Энди ўша ёрииг билаи бахтли бўлгии,
Меии ўйлаб йиғламагии, ўйиаб-кулгии,
Тўй оқшоми юзлариигии кўриб сўлгии,
Армоим шул, ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг куни битта ёр-ёр айтолмадим.

Юрак йиғлар, ёииигга мен борай десам,
Сўйигги бора юзиигга бир қарай десам,
Алам билаи ўз бошимии ёрай десам,
Армоим шул, ортга сенсиз қайтолмадим,
Тўйинг куни битта ёр-ёр айтолмадим.

ҲАЁТ БЎЛСАЛАР

Юрагингда ғаминг бўлмайди,
Чораси йўқ, даминг бўлмайди,
Ҳеч кимсадан каминг бўлмайди,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Юрадирсаи қадингни кериб,
Даврида сеи давронлар суриб,
Ўйнаб-кулиб, кўксиигга уриб,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Юрагиингда бўлмайди гинанг,
Сеи дуо қилганда энанг,
Ҳам Маккаю-мадинагинанг,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Кўзларииниг иури сеиики,
Қалбларининг қўри сеиики,
Дуоларииниг зўри сеиики,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Биров сендан қидириб айб,
Соф дилингни қилолмас майиб,
Қолмагайсаи сира мунғайиб,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Ёмонлардан йироқроқ кетгил,
Умр бўйи яхшилик этгил,
Сеи уларииниг қадрига етгил,
Ота-онанг ҳаёт бўлсалар.

Ўз элингда эрка бўлиб қол,
Қалбингга сеи иймой иурии сол,
Дониёр Мирзо дуосиини ол,
Ота-онанг ҳаёт пайтида.

ЭРКАТОЙ

Эркаммисиз, эркатоймисиз,
Ё осмондан тушгаи оймисиз.
Кеча менинг тушимга киргаи,
Пари қомат Гулчироймисиз.

Эркаммисиз, эркатоймисиз,
Киприги ўқ, қоши ёймисиз.
Кийик иигоҳ, қалдирғоч қомат,
Назокатли бир ҳумоймисиз.

Эркаммисиз, эркатоймисиз,
Кўкси қайноқ Моҳлароймисиз.
Малоҳатда Лайлидан ортиқ,
Гўзалликка шуича боймисиз.

Эркаммисиз, эркатоймисиз,
Қирғоғи йўқ, тошқии соймисиз.
Баҳор билаи бўйлашиб юргаи,
Кўкдан тушгаи тўлии оймисиз.

Эркаммисиз, эркатоймисиз,
Ё осмондан тушгаи оймисиз.
Кеча менинг тушимга киргаи,
Пари қомат Гулчироймисиз.

АЛВИДО

Менинг юрагимдан бир нидо севгим.
Сеига битта жоим, мииг фидо севгим.
Меиинг бахтсизлигим, меиинг бахтимсаи,
Алвидо севгилим, алвидо севгим.

Иккимизии ҳеч ким кўролмадилар,
Йўқ бўлса бор қилиб беролмадилар,
Ҳатто ҳолимизии сўролмадилар,
Алвидо севгилим, алвидо севгим.

Тарихга айланар балки отимиз,
Музейни тўлдириб турар хатимиз,
Армоига айланди муҳаббатимиз,
Алвидо севгилим, алвидо севгим.

Насиб этса бир кун, биз учрашамиз,
Ҳозирча шу ерда хайрлашамиз,
Беҳиштда ҳам бахтдан тўлиб-тошамиз,
Алвидо севгилим, алвидо севгим.

ВИДОДОШИМ

Бугуи руҳсиз, илиижсиз сабр,
Видодошим, видо айтдиигиз.
Жоига азоб қилган-чун жабр,
Кулиб келиб, йиғлаб қайтдингиз.

Меига ҳам бир битилгаими ҳеч,
Атай қилиб битган байтиигиз.
Йиғлайверманг, гулим, эрта-кеч,
Борми яна кулар пайтиигиз.

ТАНБУР

Оҳанглари сўнмас наводур,
Ноласига тенгмас, шода-дур,
Мииг бир дардга малҳам, даводур,
Юракларни титратган танбур.

Сенда кўпдир, сиру-снноат,
Тинглаганлар қилолмас тоқат,
Пок қалбларда яшайсан фақат,
Булбулларни сайратган танбур.

Зўр оҳанглар овозидирсан,
Гўзал қизлар дил розидирсан,
Фаттоҳхоннинг хуш созидирсан,
Кўнгилларни яйратган танбур.

Навойнинг ноласига ҳам,
Жўраҳоннинг боласига ҳам,
Фузулнинг воласига ҳам,
Гувоҳ ўзинг хуш наво танбур.

ШЕВА

Юнусобод – Шаҳрнстон,
Сирдарёда Гулнстон.
Меннинг учун гул макон,
Она юрт Ўзбекнстон.

Хоразмнинг Хиваси,
Ажойбдир шеваси.
Ҳовва ҳозир, не ера,
Хоразмшоҳ беваси.

Чироқчининг чироғи,
Болиш бўлар қироғи.

Сулув суйсанг Чиялдан,
Жомои экан фироғи.

Кўкдаланинг жийдаси,
Отга емиш бийдаси.
Йўлга қараб энамнинг,
Қотиб кетган дийдаси.

Шаҳри Кешда Оқсарой,
Сурхондадир Олтиисой.
Андижонда Асака –
Ийтиқ менга ҳойнаҳой.

Наманганда бор Иаиай,
Луттингдан мен айланай.
Тошкандачи, аииақа...
Бўвотти ишлар қалай?

Қашшидан келайчийдим,
Ҳар иеи билайчийдим.
Оллим-бўллим, эиии деса,
Маза қип кулайчийдим.

Жўқ жиғилиб жилама,
Вотти десанг бўлама.
Қайсар қирғий сеига ҳам,
Оға-иии бўлама.

Таёқ жесаиг тоғангдан,
Тоғанг олса жоғангдан.
Ининг исмииг билмаса,
Иолимагии оғангдан.

Ҳар шева ўзига хос,
Мазах қилма илтимос,
Шева ҳам ўзбекона,
Ҳаммаси ўзига мос.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3755> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3755> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3755>